

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 202-ҳадис

296/202 – وَفِي رِوَايَةٍ: وَهُوَ مُجَاوِزٌ فِي الْمَسْجِدِ، يُدْنِي لَهَا رَأْسَهُ، وَهِيَ فِي حُجْرَتِهَا، فَتُرْجَلُهُ

وَهِيَ حَائِضٌ.

202A.296 Урвадан сўралди: «Ҳайзли аёл менга хизмат қилса ёки аёл киши жунуб ҳолида менга яқин келса бўладими?»

Урва деди: «Буларнинг бари мен учун енгилдир. Уларнинг бари менга хизмат қилаверади ва бу ишда ҳеч кимга зарар йўқдир. Оиша менга хабар қилганки, у ҳайзли ҳолида ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочларини тараб қўяр экан. Ўша кунлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда эътикофда эканлар. У зот бошларини унга яқинлаштирар, у эса ўз ҳужрасида туриб, ҳайзли ҳолида ҳам у зотнинг сочларини тараб қўяр экан».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI